

ТОШКЕНТ

Оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1986 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.

№ 131 (6. 620)

1988 йил 8 июнь, чоршанба

Баҳоси 3 тийин

ЗАМОНДОШИМИЗ



КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ТЕЗИСЛАРИ— УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

Т е р а н б у л о қ л а р

Мамлакатимиздаги ҳар бир миллат ва элнинг соф ва теран бўлоқлари қўслагини келдириб, улар дўстлик, меҳр-муҳаббат ва қўн-қардошлик туйғуларини билан бирлашиб совет халқининг аянч дарағи ташкил этади. Ота-боболаримиз вужудда келтирган бу дарағдан ҳозир биз замондошларнинг диллари сув ичяпти.

Бирлашмамизда йигирмага яқин миллат вакиллари худди бир оила фарзандларидек аҳил меҳнат қилишади. Биз ана шу иноқлимиз туфайли зиммамиздаги барча топшириқларни белгиланган вақтда, ортиги билан адо этмоқдамиз. А. Аъзамов, Ю. Колосов, З. Шинкеревский, А. Блаф каби илғорларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Мен Тезисларнинг 7-банди 6-абзацдаги дастлабки жумланинг шундай тахрирда бўлишини таклиф қиламан: «КПСС Марказий Комитети миллатлараро муносабатларда пайдо бўладиган муаммолар қайта қуриш давомида чинакам демократик ва ошкоралик асосларида ҳал қилиниши лозим, деб ҳисоблайди». Сабаби ҳозир демократия ва ошкоралик жамиятимизни ҳаракатлантирувчи асосий омил бўлиб қолди.

Ҳақиқатан ҳам миллий муносабат масалаларига, ҳар бир миллат ва элнинг ривожлантиришга доимий эътибор, уларни бир-бирига яқинлаштириш ва ўзаро ёрдамчи таъминлаш халқлар дўстлиги ленинчи принципларининг таркибий қисмидир. Ишончим комилки бу масалаларни турғунлик даврида бўлган сингари умумий йўсинда эмас, балки чуқур ва синчковлик билан муҳокама қиламиз.

Ҳамид УСМОНОВ,

«Техсложбитприбор» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бригадир, Ленин ордени, «Хурмат белгиси», Меҳнат Қизил Байроқ орденлари кавалери.



Истеъдод соҳиб

Одатда, истеъдод сўзи машҳур инқодорларга ёзувчи, санъаткор, кино устаси ва бошқаларга қарата айtilади. Аммо мен «Средазэлектрораппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлганимда «Истеъдодли ишчи» деган сўзларни эшитдим. Вовжаби Ишчининг ҳам истеъдодлиси, истеъдодли бўладими? «Қўли гул уста». «Ўз касбининг устаси». «Олтин қўли» каби таърифларни кўп эшитардим. Аммо бундай таърифи биринчи бор эшитдим.

Бир дошнаманинг китоби қўлимга тушди-ю, бу саволларимга жавоб топдим. У шундай деган экан: умуман ҳаётда истеъдодли, яъни талантсиз кишилар бўлмайди. Ҳамма инсонлар ҳам қобилиятли бўлишади. Фақат улар орасидан фарқ шуки, баъзилар ўз истеъдодларини намоён эта оладиган соҳани танламайдилар.

Ҳаётда шундай одамларни ҳам учратиш мумкинки, ўз касбидан қўнғича солиб юради, бу иш оғирлик қилаётганини ёки бу соҳада ўзини ёрқин намоён қила олмайётганидан афсусланади. Биз тилга олмоқчи бўлган ишчилар эса бирон марта ишларидан нолиган эмас. «Средазэлектрораппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг электр монтажчиси, КПСС XXVII съезди делегати Людмила Валетова умри бино бўлибдики, виждонан, ҳалол ишлашни одат қилиб олган. «Қўли учида ишлаш» унга мутлақо ётганини партокда ҳам, ҳамкасблари ҳам тан олишади. Халқда «Менга дўстларингни айт, сенга қимлигини айтиб берман», деган яхши нақл бор. Альфия Гафарова — Людмиланинг дугоналаридан бири, у машҳур ишчи билан ёнма-ён ишлаётганидан фахрланади. Бунинг устига Альфия уни устози деб билади. У ишлаётган бригадада ҳаммиси ташаббускорлик, ингиликка ўқили ҳукмрон. Оддий ишчилардан тортиб бригадиргача изланади, ингилик учун қўйиб-пишади. Шунинг учун ҳам бу электр монтажчилар бригадасида янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш мунтазам бўлиб кетган.

— КПСС Марказий Комитетининг Тезислари фақат меининггина эмас, бригаданинг барча аъзоларини ҳам юксак маъсулият, интизом ва ташаббускорликка ундамоқда, — дейди Альфия Гафарова. Ҳозирги давр шундайки, ишчи ўз билигини ошириш устида ўйлаб-юрган, яхши ишлашни қийин, негаки фан-техника ривожланиб борапти, ингилик дастдоҳлар жорий этилган. Эҳ, иллар, роботлар ҳар қандай ишдан энг аввало юксак билим талаб қилади. Бунга ҳис этган А. Гафарова Тошкент электр механика техникумини ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда битирди. Бу унга бутунги фан-техника соҳасидаги ингиликлардан хабардор бўлишда катта роль ўйнади, бригаданинг ҳозирги палладаги қайта қуриш ишида ҳам асосий вазифа.

СУРАТДА: Альфия Гафарова.

Т. Каримов фотоси.

Муҳими— пировард натижа

«Ўзбекистонлик йигитларнинг кўпчилиги жисмонан бўш, ҳарбий хизматга ярамалли», деган фикрлар кейинги йилларда кўп эътилол. Ҳақиқатан ҳам бу, жиддий ўйлаб қўриладиган, бош қотирадиган масала.

Бунга спортни жиддий ривожлантирилмаганлигидан деб диагноз қўйишяпти. Бу — масаланинг бир томони, холос. Иккинчи томони эса, менинг назаримда, республикада Озқ-овқат программаси ҳамон жиддий муаммо бўлиб қолаётганлигида деб биламан. Гўш, қолбаса, пишлоқнинг етарли эмаслиги; қовун-тарвуларнинг химикатга тўйинтирилганлиги; ёнғоқ-майиз, туршак, жийдаларнинг нархи «осмон»лиги; бунинг устига яқиндан қанд-шакарнинг ҳам тортилиб қолганлиги — булар ҳаммаси бола организмнинг бақувват бўлиб ўсишига ёрдам берадиган маҳсулотлар эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Халқимиз бўш қоп тик турмайди, дейди. Етарлича тўйимли таом емаган болалар қандай қилиб жисмоний бақувват бўлиши? Етарлича тўйимли таомлар ейиш учун эса оила бюджетни баъзан торлик қилиб қолади. Чунки бу маҳсулотларнинг давлат магазинларидан топиб бўлмайди. Ҳар бир оила бошлиғи бозордан 7 сўмдан майиз, 8 сўмдан туршак, 8 сўмдан ёнғоқ, кооперативдан 5 сўм 50 тийиндан ярми суякдан иборат гўшт сотиб олиб овласига едира оладими?

Бундан ташқари, суяги қотайган, жисмоний жиҳатдан тўлишиб, кийим-боши ҳам натаалариникидек бўлиб бораётган 12 ёшдан 18 ёшгача ўсмирлар бўлган кўп болали оилалар учун давлат томонидан афсуски биронорта моддий ёрдам кўрсатиш кўзда тутилмаган. КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифок партия конференцияси Тезисларини ўрғанаётиб шу фикрлар қўнғилимдан кечди. Инсон келажакисидан кўп ҳисса билан ҳам ўйлаб қўриладиган вақт етди!

Мен ҳозир қайта қуриш, ошкоралик, демократлаштириш даврида шунинг айтишим мумкинки, ҳозир бозорда арзончилик, мағзида маъмурийлик деб бўлибди. Сабаби Озқ-овқат программаси яхши амалга ошмапти. «Хўш, уни амалга оширадиган ким?», деган ҳақли савол турғилади. Негатормоз бўляпти? Гуноҳқори борми? Бор. Бу — ҳаммамиз. Чунки, юксак онглилик — моддий фаровонлигининг бир қўрғинишдир. Ҳар бир совет гражданида онглилик банд бўлмас экан, моддий танқислик ҳужм сураверадир. Жамият қалта қўрпа сингари бошини ёпса беги очилиб, беғини ёпса боши очилиб қолаверади. Бу яна «шахсга сиғиниш», «турғунлик» каби янги салбий қўрғинишларни юзага келтиради.

Мен қайта қуришни яхши гапларини эшитяпман. Лекин сезиларли натижасини кўп ҳам кўрмайман.

Бир мисол: нахрийет бўлими мудирининг ошна-оғайинларининг китобини наватдан ташқари планга киритиб берса: ҳақиқий нават кутиб турган китобини арзимас баҳона билан уч-тўрт йил орқага суриб юбурса; амалдор ёзувчининг китобларини кетма-кет чиқарса-ю, қолганлар нават кутиб умри ўтса; врач соғва берганга қараб, соғва бермаганга эътибор бермаса; деҳқон ерга картошка экиб, қарамга ҳисоб-китоб қилса; олий ўқув юртининг ўқитувчиси студентга отасининг амалига қараб баҳо қўйса, ҳоказо ва ҳоказо... қайта қуриш бўладими?! Йўқ!

Бизнинг Коммунистик партиямиз ҳаминша халқ манфаатини қўлаб иш тутган. Мен Бутуниттифок XIX партия конференциясидан кўп яхши ечимлар кутяпман.

Ҳайдар МУҲАММАД,

СССР Ёзувчилар союзи аъзоси, шoir ва драматург.

«Уй-жой» программаси: изланиш ва муаммолар

АГАР ҚЎЛИМИЗНИ ТУТИШМАСА...

ТЕЗРОҚ ВА ЯХШИРОҚ ҚУРИШИМИЗ МУМКИН, ДЕИШМОҚДА УЙСОЗЛАР

Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинати март ойидан бошлаб хўжалик ҳисобига ўтди. Анчагина муаммолар ҳам пайдо бўлиб қолди. Аммо уйсозлар бу йили юксак мажбуриятларни бажаришмоқчи.

Улар 977 минг квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топшириш, планга қўшимча 850 минг сўми ўзлаштиришни режалаштиришган. Бу ишни бажариш учун йил бошидан бери тадбирлар комплекси амалга оширила бошлади.

Биринчи кварталда уй-жойларни уч сменда монтаж қилишга ўтишди. Натикжада 9 қаватли уйларни қуриш учун кетадиган муддат 15 кун, 5 қаватли уйларни бунёд этишга кетадиган муддат эса бир ярим ой қисқарди. Монтаж бригадаларини бош пудратчилар билан бирлаштиришди. Эндикда бинокорлар бутун норматив муддатда ўзлаштириш учун пулининг ҳаммасини оладилар.

Демак, бинокор қанчалик тез қуриلس, шунчалик яхши.

Пировард маҳсулот сифатини яхшилаш учун кўп иш қилинмоқда. Ҳозир корхонада давлат қўлига фаол тайёрлар қўрилмоқда, келгуси йилдан бошлаб бу усул жорий этилади. Барча ускуна инвентаризациядан ўтказилди. Унинг натижаларига қараб, ошқори иш ўзгартиришмоқдалар. Биринчи йилнинг панелли уйсозлик заводида иккинчи цех ва иккинчи темир-бетон буюмлари заводида битта цех маҳсулотининг икки илдорайи қабулига ўтди. Уй-жойларни қабул қилиб олишда ҳам сифатли назоратнинг ана шу формаси жорий этилади.

Ишнинг дастлабки якунлари яхши. Тўрт ой ичда уйсозлик комбинатда уй-жойларни фойдаланишга топшириш плани 22 процент ошириб бажарилиди.

— Аммо ҳар қалай биз яна

ҳам жадалроқ ва яхшироқ қуришимиз мумкин, — дейди комбинат бош инженери вазифасини бажарувчи А. В. Кильдюшев. УшТАГ муҳбирга — аммо қуриш материаллари билан таъминлаш ҳаммиси оқсат келмоқда.

Бу энг асосий масалалардан биридир. Мана бир мисол, яқинда 1-йилнинг панелли уйсозлик заводи бир сменда бор-йўғи 3 соат ишлади. Бекободдан цемент олиб келинмаган экан. Ангрен керамика комбинатидан қошнлар ҳам бир маромида келатгани йўқ.

Қуриш майдонларида ҳам иш дуруст эмас. Фақат ой ичидида объектига линолеум, дурадгорлик буюмлари, гулгоз ва бўйларини олиб келишга киришадилар...

— Қўлимизда бир тийинлик ҳам материаллар резерви йўқ, дейди афсуслики, Александр Васильевич. — Маҳсулотни бир маромида етказиб бериш тўғрисида шартнома ҳаммиси ҳам туза олмаймиз. Оқибатда маҳсулот етказиб берувчиларга қара

рам бўлиб қоляпмиз. Улар дуруст ишлаб-қу, маъқул, бизнинг қайғиритимиз ҳам яхши бўлади. Оқсат қилинса, бизнинг пешонамиз ҳам «тақ» этиб деворга тегади...

Ахвол шундай экан, янги кватиралардаги поллар бужмайиб ётишига ҳайрон қолмасамиз ҳам бўлади. Демак, ишга туширилган объектга линолеумни кечикчи олиб келишбди ва унинг пешма-пеш полга ётқиришбди — аслида, даставвал линолеумни текислаш лозим. Дурадгорлик буюмлари ҳам ишга бўлиб турибди. «Узгавстройга» бирлашмасидан илгари, буюмлар деразаси қочиб, мойланб, янги заводнинг ўзиде таъмир қилиниб олиб келинар эди. Ҳозир бундай бўлаётгани йўқ. Оқибатда сифатга путур етмоқда. Қурувчилар чала ишларни битказиш, объектга келатган паркетни силлиқлаб беришга мажбур бўлмоқдалар, бу ҳам уй-жой сифатига, унинг қуриб битказиш муддатларига таъсир етмоқда.

Қуриш материалларининг вақтида келмаслиги сурункали «касалга» айланган, десак бўлади, ҳўжалик юртишнинг янги шартларида бунга мутлақо тоқат қилиб бўлмайди. Комбинатдагилар лойиҳачилардан ҳам гина қилишса эрижайди. Уй-жойнинг техника шартлари ва лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашга кетадиган вақт баъзан уни қуришга кетадиган вақтдан бир неча беравэр кўп бўлмоқда.

Республикамиз пойтахтида Уй-жой программасини амалга ошириш бошқа қурувчилар катори Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинати коллективига ҳам боғлиқ. Уйсозлар ўз зиммаларига катта топшириқлар олишган ва уларни ошириб бажаришга шай бўлиб туришбди. Бунинг учун қуриш комплексида қатнашаётган барча ташкилотлар фаолият билан бир маромида ишлашлари керак. Бу гап, аввало, қуриш материалларини тайёрлаётган корхоналарга боғлиқдир.



ТАСС ХАБАРЛАРИ ВА МАРКАЗИЙ МАТБУОТ САҲИФАЛАРИДА

▲ ВАРШАВА. Москвада ўтказилган олий даражидagi Совет—Америка учрашуви шонли воқеа бўлди, деб таъкидлади ПЕПМ Марказий комитетининг биринчи секретари, ПХР давлат кенгаши раиси Войцех Ярузельский БМТ Бош Ассамблеясининг қуролсизланиш масалаларига бағишланган учинчи махсус сессиясига йўллаган мактубида. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев билан АҚШ президенти Р. Рейган Москвада эришилган битимлар қуролсизланиш юзасидан янги аҳдономаларга йўл очди. Бу битимлар, жумладан, СССР билан АҚШ ўртасида стратегик ҳужум қуролларини 50 процент қисқартириш тўғрисида шартнома тузиладиган кунини аниқлаштиради.

▲ НЬО-ЙОРК. БМТ Бош Ассамблеясининг қуролсизланиш масалаларига бағишланган учинчи махсус сессияси Совет—Америка муносабатлари яхшиланган, икки томонлама қуролсизланиш жараёнида ютуқлар қўлга киритилган, маҳаллий тангликларини бартараф этишда олға томон қадам ташланган ва умуман, халқаро муносабатларда икбий тенденциялар кўзга ташланганга қўлай шароитда ўтмоқда, деди душанба кунин сессияда сўзга чиқиб, Венгрия ташки ишлар министри Петер Варюки.

▲ НЬО-ЙОРК. Афғонистон президенти Накибулло БМТ Бош секретари Перес де Куэльяр ва унинг Афғонистон теварағидаги аҳволини бартараф этиш масалалари билан шугулланувчи вакили Кордо-вас билан учрашди. Накибулло Афғонистон теварағидаги азиятчи сийиш айл билан бартараф этиш юзасидан Женева битимларини тўла бажаришга Афғонистон республикаси эзгу ният билан шай бўлиб турганини уларга айтди. Айни вақтда у бошқа томон ҳам битимларнинг бутун қондаларини ҳалоллик билан бажариш лозимлигини таъкидлади.

▲ ПАРИЖ. Франция республикасининг президенти Франсуа Миттеран Парижга келган Япония Бош министри Нобору Тахсита билан учрашди. Етатки капиталистик мамлакатлар давлатлари ва ҳўкуматлари рақибларнинг Торонтода бўладиган учрашувига тайёргарлик масалалари музокараларнинг диққат марказида бўлди. Учрашууда ривожланган мамлакатларнинг қардорлиги муаммоси муҳим ўрин туттиш лозимлиги таъкидланди. Франция президентининг фикрича, энг янги капиталистик мамлакатларнинг рақиблари эндигина ана шу мураккаб муаммони ҳал этишга киришдилар.

Ташаббускор бригада

Йил бошида Мардона Муҳиддинова бошлиқ қишлоқдаги ташаббускор бригадаси ташаббус билан майдонга чиқди. У Бутуниттифок XIX партия конференцияси очилган кунгача ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йили планини бажаришга аҳд қилди.

Бу ташаббускор комсомол-ешлар ярим автомат дастдоҳларда устки трикотаж буюмларини тўқишади. Хотин-қизлар қўлақларни, костюм-юбкаларни, болалар костюмларини шулар жумласидандир.

Тўқувчилар маҳсулот сифатига, унинг ҳаридоригир бўлишига алоҳида эътибор берадилар. Шунга мувофиқ коллективда иш унумини оширувчи, маҳсулот сифатини яхшиловчи бир қатор тадбирлар белгиланди.

Айни пайтда коллективда ўзаро социалистик мусобақа тобора ааж олдирилмоқда. «Ташвортрикожабига қарашли 7-цехнинг бу пешкадам коллективини шу босдан ҳам О. Мирзакаринова бошлиқ бригада чеварлар билан ўтказилаётган ўзаро меҳнат беллашувида илгорлик қилишмоқда.

Республикамизда анъанавий Пушкинхонлик кунлари

Э Ў З О З

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида Ўзбекистонда А. С. Пушкин инқодини ўрганиш муаммоларига бағишланган ўн иккинчи анъанавий илмий сессия бўлиб ўтди.

Сессияни институт директори, филология фанлари доктори Б. А. Назаров қисқача кириш сўзи билан очди.

У Пушкин ижодини қанчалик кўп ўрганаётгани борган сайин янги-янги қирралар очилавераётганини, Пушкин ва унинг ижоди авлодлардан авлодлар оша доимо халқ эъзодида бўлаётганини алоҳида қайд этди.

Сўнгра Пушкин ижодини ўрганиш муаммоларига бағишланган қизиқарли ва мазмунли докладлар тингланди. Республика рус тили ва адабиёти педагогика институтини ўқитувчиси, филология фанлари кандидати М. С. Константинова «Пуш

кин ва «Игорь жангномаси», В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети ўқитувчиси, филология фанлари кандидати Л. А. Тартаковская «Пушкин ориентализми анъаналари ва А. Фетининг шарҳона шеърлиги», Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтини олимлари: филология фанлари кандидати Н. Ф. Каримов «Миртемир ноқиди Пушкин», филология фанлари доктори Н. В. Владимиров «Борис Годунов» Чўлпон таржимасида», филология фанлари кандидати И. Я. Тёмкина «Пастернак ва Пушкин», филология фанлари кандидати М. Иброҳимов «Пушкиннинг «Ҳайкал» шеъри ўзбек тилида» мавзусида маъруза қилдилар.

Ғанижон МАҲМУДОВ, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг илмий ходими.

1988 йил 8 июнь

ОДАМЗОД болалигидан юлдузларга қарайди.

Кимдир уларни ошкларнинг бедор кўзларига қисилди, яна биров буюк мунажжимнинг кўз ёшлари деб атайди. Юлдузлар эса бу ташбеҳларга бепарво, уларни замин ташвишлари қизиктирмайди, умуман ташвишдан йироқ улар, жимирлайдилар, жимирлайвердилар. Абдиатдай йироқ, абдиатдай сокин, садосиз улар.

Юлдузлар.

Болалик адибларда Сомон йўлидан сомонлар ташганимиз. Уйкумизни юлдузлар кўриқлаган, тушларимиз шабнамларга қайилган.

Қишлоқ ортидаги кўлга ҳар кеча тўп-тўп юлдуз тушарди. Ариқларда жимирлаб томорқаларга оқарди улар.

Сойдан юлдузларни ичган тулпорлар қирларда узоқ-узоқ кишнарди, кўзларидан, тўқларидан юлдузлар қарарди.

Оналарнинг аллаларида сокингина жимирлар эди улар. Абдиатдай йироқ, абдиатдай сокин, садосиз юлдузлар. Уларни келинчаларнинг ҳайдаё қибосларига қадаб кўйганимиз келарди.

Замин юлдузлари

Ошқоралик ва демократия жамиятининг моддий ва маънавий жиҳатлари билан бир қаторда кўнгилларга ҳам бевоқифа дахлдордир. Узоқ йиллар кўнгилдан кетган ҳақиқий гаплар айтилмайин келинди, яъни ичга ютилди. Эндликда жамият равангига, инсон камолотига ҳа-

бўлса-да яшовчан. Меҳнатни эл қилди, жафони эл чекди, мартабага эса ёлғон кўтарилди. Йиллаб, ўн йиллаб. Биз бу йилларга юмшоқ-қина қилиб «Турғунлик даври» деб ном қўйдик. Лекин ҳушомад лаганбёрдорлик, фиску фасод ила нонқўрлик айнан шу «Турғунлик даври»да раванқ топти. Юртнинг ҳароб ман-зараларини «Гўлла, яшна, ҳур...» қабилидаги сохта шорлар билан беркитдик, бироқ ёлғон «гўллаб, яшнади». Юртнинг қанчалик яшнагани эса хаста тулпорга Орол аҳолидан маълум. Ҳа, энди-да маълум.

Болаларни юлдузларга қараш бахтидан, самовий тарбиядан маҳрум этдик. Юлдузлар пахтазорда, дедик, теринглар дедик, савод эса бир гап бўлар... Юлдузлар ўрнингга чоноқлар кўпроқ кирди уларнинг тушларига.

Замин юлдузлари ҳеч қачон беиз кетмагилар.

Улар ҳеч бўлмаганда бировнинг бир томчи кўзидан бир тилим табассумга айлантириб кетгайларку...

Дунёдан ноумид кўнгилни, музлаган кўнгилни заминда ҳали меҳру оқибат борлигидан огоҳ этиб кетгайларку улар.

Кўнгилдаги гап

дал берадиган камчиликлар беркитилмайди, мулоҳазалар рўй-рост айтилаётир. Шоир олим, ишчио хизматчи, ҳуллас касбидан қатъий назар истаган киши ўз мулоҳазалари билан қатнашаётганликларни, фикрлари билан ўртоқлашаётганликларни қувонарлидир.

Баъзан инсонга бир тола, бир толанига нур етишмайди. Бир тола нур! Шу толасиз дунё учун қоронғу. Қор-қоронғу ёруғ дунё.

Биз «едил риштаси» деймиз. Нима бу! Нурдир, зиёдир. Одамзоднинг жисмоний ақинлиги, бир масканда яшаш бу ҳали ақинлик эмас. Одамзод кўнгил нурлари, маънавий зилари билан бир-бирига пайванд эрсанига ҳақиқий бирлик, чин ҳамжиҳатлик сомон бўлади. Биров «қардошлик», яна биров «дарддошлик», бошқа биров эса «дилошлик» деб атайди буни. Барибир моҳият ўша: Нур. Зиё. Ёруғлик.

Шоир эзгу ният билан китобига «Бедорлик» деб ном қўяди. Кишилик ухласа-да идронки уйғоқ бўлсин дейди, ақлу заковатни рафлел босмасин дейди. Чунки, дунёда энг қўриқчилик босқин рафлел босқиндир. Маънавият оламига бу қаро лашар бостириб кирса агар дунёда қаро ишлар кўпаяди.

Фарзандлар йўлга отлансалар кексалар «Йўлинг ёруғ бўлсин», дебон тилак билдирадилар. Кўнгилнинг ҳамиша соф, имонинг доимо пок бўлсин деганларидир бу. Ёруғ дунёда энг йироқ йўл— Ҳақиқат йўли. Ёгонининг йўли яқин — бор-йўри бир қадам.

Мана бу кимсанинг юзига бир самимий табассум, ҳайрихоқ бир ифодани қўрқан деб ўн йилини қўяди. Кўрмадим. Ва акин бўлдимки, бу кимса Болалигига ахмалек учмаган, шодон қўйқирмаган. Юлдузларга қарамаган. У. Миллард йиллардан бери тўнган, кўнрага айланган ном-нишонсиз илдузни эс-латлади у. Ҳа, тўнган юлдузлар Заминда ҳам мавжуд, савоматга сўйик юлдузлардан-да кўпроқдир булар, буларнинг шакли шамойили турлича, кўриниши ҳар хил, шўйқини нутқлар сўзлаши, ҳамма нарсасга ўзларини дахлдор қилиб қўрсатиши, ялтиллаши, йилтиллаши, хатто тобалиғиш мумкин булар, лекин барибир — тўнган. Тўнган. Тўнган. Буларнинг вужуддан ботом-ботмонлаб ҳасед кўмирини қазиб олиш мумкин.

Дунёда эса ҳали шабнамлар бор. Шамоллар бор ҳали дунёда — кўнгил кўкларидан эсгуви.

Дунёда шомлар бор — нигхорлардай сокин. Тонглар бор ҳали — булоқ сувларидай тиник, биллурий.

Одамзод дунёга юлдуз бўлмаган деб келмади. Лекин юлдузларга қарайди.

Одамзод дунёга одам бўлиб келади, лекин умр ўтган сайин аста-секин юлдузга айланиб боради. Ҳаётда фазолид инсонлар бор — улар кишилик дәрдини, қувончи, нитири-бини юлдузлардай ўзларига сингдирмишлар. Кўнгил коиноти чексиз, бироқ бир оғиз сўз билан уни чилпарини қилиш мумкин. Замин юлдузлари Эзгулик деб яшайдилар, шунинг учун, токи одамзод кўксидан юксак осмонлар тораймасин, қораймасин. Ёру — само агар берилган бўлишлар ҳам дилхирликлар учун эмас, сарфдорлигига юксалишлар-чун яратилгандай.

Одамзод асрлардан буён нурга интилади. Навқирон оқинининг мана бу сўзлари ҳам асрлар қаридан нурлиб келаётгандай: Шом чоғи юлдузлик бахти бор. Сочинда ёлғизлик бахти бор. Ҳасратда қўшиқни гуллади. Шу гулга илдилик бахти бор. «Юлдузлик бахти», «Илдилик бахти». Илди эрдан жон олади, юлдуз кўнра бўлади.

Ҳаёт дарахтининг шажаралари Эзгулик, Эътиқод, Бурч ва Саодат сингари нурли сўзлардан баҳраманд бўлиб буй қўзади. Ёруғлик шу дарахтининг туганмас ҳосилидир.

Илгари юлдузларга қараб йўлни белгилаганлар, хавф-хатардан огоҳ этганлар. Замин юлдузлари — Эзгулик элчилари. Биз уларга қараб яшамок, ҳалол ва пок яшаш илминини ўрганамиз. Уларга қараб тўғрилиқда элгуви-чи йўлни белгилаб оламиз. Шоирдир, шогўфдир, чўпон ё ишичдир улар, тарихчи ё толиб илмидир улар, ошқидир, махбубадир. Бедор оналардир улар — келажакнинг юлдузларини тарбиялаётган. Улар кўп, сон-сеноксиз, рўйи заминга сочилиб жимгина шуъла сочмоқда улар. Дунёнинг ёруғлиги шулар билан. Улар — Замин юлдузлари...

Сирожиқдин САИДОВ.

Салом, лагерь!

Республиканинг пионер лагерлари дастабки дам олувчи лагерлари қабул қилди. УЗТАГ муҳбири Узбекистон ССР соғлиқни сақлаш министриги болалар ва оналарга даволаш профилактика ёрдами бошқармаси бўлимининг бошлиғи Т. В. Фаршатага мурожаат этиб, меҳниклар мактаб ўқувчиларининг ёзги дам олиши бошлангич қандайд тайёргарлик қўйилганлиги тўғрисида гапириб беришини сўради.

Бу йил болалар учун тўрт мингтадан кўп ёзги соғламлаштириш муассасалари очилди. Кўнгуз дам олинадиган, шунингдек санаторий типидagi пионер лагерлари сонм ортди.

Ҳозир республикада бундай

пионер лагерларининг сонм юзтадан ошди. Бундай лагерларда шомоллаш касалликларига, бод хасталиқларига чалинган болалар дам олиб, даволадилар. Улар педнатор ва бошқа мутахассис врачлар билан, ўрта медицина ходимлари билан тахминланди.

Пионер лагерлари жойлашган ерларда санитария транспортининг кеча-кундузлик навабчилиги ташкил қилинди, зарурат туғилганда ақин атрофдаги касалхоналар болалар бўлимининг мутахассислари ўқувчиларга маълумот берадилар. Лагерьларга профилактика кўрикларини ўтказиш, консултиват ёрдам бериш учун врачлар бригадалари тез-тез бориб туради.

Ёзги болалар соғломлаштириш муассасаларининг медицина санитария таъминоти маънавий масалалар, уй-жой ва ёрдамчи биноларининг санитария ҳолати билан бевоқифа болганган. Мисол учун Самарқанд область Жомбой районидаги Қурбонов номи пионер лагерига ақин оқибат блоку қилинган тўхтатиб қўйилган, ҳаммом, кирхона йўқ. Фаргона областининг Узбекистон ва Ол-тинарк районларида лагерларини ичимлик сув билан таъминлаш масаласини ҳал этиш қўзилиб кетди. Республика давлат агро-саноат комитети ххтирида бўлган баъзи лагерларининг ре-монти битказилган эмас.

«САЛОМАТЛИК» КЛУБИ

«Саломатлик клуби»даги мақолалар Тошкент Давлат медицина институту болалар касалликлари кафедрасининг мудури, ме-

дицина фанлари доктори, профессор Мўйиндин Расулевич НУРИДИНОВ тахрири остида берилмоқда.

Ёзнинг ташвишли хасталиги

Ез фасли тўзал таровати билан одамларга ором беради, кўёш нурларини шимган анвойи мевалари билан роҳат дармони бағишлайди. Дастурхонларимиз ширин-шаккар мевалар, сабзавот махсулотлари билан тўқиб бўлайди. Табиатнинг бу итёмни саломатлик учун го-ят фойдали, чунки улар тар-кибда инсон организмнинг мукамил намол топиши учун зарур моддалар, дар-мондорилар бор. Лекин бу ноз-неъматларни яхши сақ-ламаслик, тозаллаб ювмас-дан, оқар сувда нари-бери чайиб истеъмол қилиш, шак-сий санитария-гигиена қои-даларига етарлича риоя қил-маслик турли касалликлар, жумладан ёзнинг ташвишли хасталиги — юкумли ошқо-нон-ичак инфекциясининг ке-либ чиқишига сабаб бўлади.

Шуни айтиш керакки, ўт-кир ошқозон-ичак инфекция-лари кенг тарқалган касал-лик ҳисобланади. Бу касал-лик билан барча ёшдаги ки-шилар оғрийдилар. Лекин ёш болалар учун бу, айниқса хавфлидир. Уч ёшгача бўл-ган болалар организм э-т-кир ошқозон-ичак инфекция-лар қўзғатувчиларига жуда сезгир бўлади. Асосан, ёш болалар подда эмаллаб юриб, ерга тушиб ифлосланган сўриғи ёки ўйинчоқларни, ифлос бўлган қўлларини оғизга солишлари, шунинг

дек, қўлини юймай эминган онадан ёки ифлос қўл би-лан идишга сутини соғиб бо-лага берганда ҳамда ифлос-ланган озиқ-овқат махсуло-тлари ва меваларни истеъмол қилишлари натижада ка-салланадилар.

Бу касаллик болаларда енгил, ҳеч қандай аломат-ларсиз ўтиши мумкин. Ана шундай пайтда кўпичча уй-дагилар бунга эътибор бе-ришмайди ва болани врачга олиб бориб даволатишмайди, оқибатда инфекциянинг кенг кўламда тарқалишига сабаб-чи бўлишади.

Сунъий оққатлантириб ўстирилган болалар ҳамда нимжон болалар учун бу ка-саллик жуда хавфли бўлиб, организмнинг умумий оғир реакцияси, яъни токсикоз билан кечishi мумкин. Бун-дай пайтда бола қусад ва ичи кетади, даволатиш жуда кўп суюқлик йўқотади, бу эса организмнинг сувсизла-нишига, лаб ва тил қўриб қоллишига, тана вазининг камайишига олиб келади. Юрак-қон томир фаолияти сусяди. Оғирроқ ҳолларда болаларда алаҳлаш, болдир жушакларининг тиришиб қо-лишлари кузатилади. Бола-ларда ошқозон-ичак касал-ликларининг дастлабки ало-матлари (қусиш ва ич ке-тиш) пайдо бўлиши биланоқ дарҳол врачга мурожаат қи-лиш лозим.

Юкумли ошқозон-ичак касалликларининг олдини олиш тадбирлари кишидан ортиқча машаққат талаб қил-майди. Бунинг учун энг ав-вало турмушда ҳам, ишда ҳам, ҳуллас, ҳамма ерда сўзсиз тозаланича риоя қилиш лозим.

Ошқозон-ичак касалликларининг олдини олишда орга-низмни чиқинтириш муҳим роль ўйнайди. Болаларни ёш-ликдан чиқинтириш, вақтида оққатлантириш ва қон тарти-бини тўғри ташкил қилиш ор-ганизмнинг чиқаллигини оширишга ҳам ёрдам беради.

Шу сабабдан қўёш, ҳаво ва сув каби табиат эҳсонларидан оқилона фойдаланиш бола-ларини соғлом ва чиқинтириб ўстиришда катта ёрдам бе-ришини унутмаслик керак.

Бундай чораларни амалга оширишда фақатгина меди-цина ходимлари эмас, ҳам-ма актив қатнашганига ош-қозон-ичак касалликларининг олди олиниб, кенг кў-ламда тарқалишига йўл қў-йилмайди.

Соғлиқ бебаҳо бойлик экан, унинг мустаҳкам бўли-ши учун ҳар биримиз сид-қидилдан жон қўйдириши-миз керак.

Шўҳрат ТУСУНОВ, Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министриги Педиа-трия илмий-тадқиқот инсти-туту клиникасининг бош врач.



«Иссиқ жон — иситмасиз бўлмайди, деб бежиз айтишмайди. Бундай пайтда дорихоналар бемор дардига малҳам бўлишади. Муассар Бойқобилова йигирма йилдан бери шахримиздаги 115-дорихонада ишлаб, халқимизга намуна хизмат кўрсатиб келмоқда. Дорихуноа аёлининг сидқи-ди меҳнатини тақдирлаб Ўзбекистон ССР Касаба союзлари ва Ўзбекистон дорихоналар бошқармаси уни фахрий ёрлиқлар билан мунофотлади.

СУРАТДА: дорихуноа Муассар Бойқобилова қадоқланган дорн-дармонларни кўздан кечирмоқда. М. Нуриддинов фотоси.

«Беминнат дастёр»

Асримизни химиявий мў-жизлар дари дейиш мумкин. Ҳозирги ҳаётимизни химиясиз тасаввур қилиш қийин. Ҳатто фавкулдада содир бўладиган шикестлиши, жароҳатланиш-да инсон организмга химия-вий махсулотлар ҳам ёрдам қилади, истеъмол қилётган баъзи масалиқларнинг химия-вий йўл билан олинган бўли-ши тавқиқубили нарсас эмас.

Шуни айтиш керакки, ҳўжа-лик максадлари учун иштати-лувчи полимерли буюмлар ўз ўрнида одилона ва тадбир-корлик билан ишлатилмаса, инсон саломатлигига салбий таъсир этувчи манба бўлиб қолши мумкин.

Авалло, пластмассали бую-мин харида этишдан олдин, унга зарб этилган иборага аҳамият бериш лозим. Унда «Қуруқ махсулотлар учун», «Озиқ-овқат махсулотлари учун» каби сўзлар бўлиши мумкин. Айрим пластмассали буюмлар қиёфасига қараб қантдан, қандолат сақланади-ган, нон сақланадиган идиш ўрнида фойдаланилади. Бу химиявий идишлар мазакур максадлар учун бемалол фой-даленилса бўлади, чунки улар «ҳаётга» тадбиқ этилишидан олдин атрофлигига гигиеник текширишдан ўтган бўлади.

Ҳўжалик дўконларига «Тех-ник максадлар учун» тамғали пластмассали идиш ва буюм-лар (канистр, бидон ва бошқа) ҳам харида чиқарилади. Бу-лардан мутлоқ озиқ-овқат мод-даларини сақлаш максадига фойдаланмаслик лозим. Чунки идиш таркибидига ҳаётбахш моддалар билан қовушиб, заҳарли манбага айланади. Шунингдек мойсмон модда-лар, турфа суюқликлар маъ-лум даражада эритувчанлик хислатларини намойи эатади-лар. Пластмассали идишларда

умуман табиат неъматларини сақлаб бўлмайди, айниқса бу идишларда тузлаш, сирка-лаш хавфи. Пластмасса идишларда сут махсуло-тлари, сариғ, шунингдек ме-ва шарбатларини сақлаш мут-лоқ ман этилади. Чунки маз-кур махсулотлар таркибан бўзилишдан ташқари, ўзга ҳидли бўлиб қолади.

Тўғри, саноат миқёсида пластмассали липкопа, чўмин, стеканлар ҳам чиқарилади. Бирок, бундай махсулотлар қисқа муддатли фойдаланиш учун мўлжалланган.

Одатда пластмассали идиш-лар соғун, химиялик содас билан ювилади. Идишлар юви-лгандан сўнг тоза сувда яхши-лаб чийилади. Гоҳида бозо-р-улар қилган кишилар полети-лен халталарга тўғридан-тўғри озиқ-овқат махсулотларини соладилар, баъзилар эса тай-ёрланган озиқ-овқатларни ўраб оладилар. Шунини қайд қилиб ўтиш лозимки, полиэтилен ҳал-телар завод шароитидан по-киза-стирилиб ҳолда чиқари-лмайди. Шу боисдан ҳам ювил-маган полиэтилен халталарга шарбатли табиат неъматлари, озиқ-овқат махсулотларини тўғридан тўғри солиб кета-вериш ярамайди.

Оқшомхонларга яна бир бор эслатиб ўтадиган нарсас шуки, химиявий моддалар солиб чиқариладиган полимер идиш-лардан (шампунь сақланади-ган, актив моддалари бўлган ва бошқа) мутлоқ ҳолда озиқ-овқат махсулотлари, ичимлик-лар сақлаш учун қўйлаб бўл-майди. Ҳаётимизда зарур «бе-миннат дастёр» ҳисобланувчи химиявий восталардан фойде-ланишда тадбиркорлик ва эҳ-тиёткорлик билан иш туттиш лозим бўлади.

Дона ХУЖАЕВА, дорихуноа.

Қимиз ҳаммага фойдалими?

Хурматли редакция! Ёзда шифобахш неъматлардан — қимиз ичиш ҳаммага ҳам фойдалими?

Ш. САИДАМЕТОВ, «Ташсөлмаш» заводи ишчиси.

Биз сут — қимиз шифо-бахш эналлиги, жуда қадим-дан маълум. Ўзбекистоннинг чўл ва тоғ зоналарида, Қозо-ғистон, Қирғизистон, Орен-бург, Бошқирдистон ва На-вазда қимиз севиб истеъмол этиб келинади.

Қимиз шифобахш ичимлик бўлиб, унинг таркибига А, В, С витаминлари, сукт ислопта-си, қанд ва қарбонат ангид-рид бор. Қимизда сут исло-ти борлиги озиқ-овқат тар-кибидига оқсил, ёғ ва турли қанд моддаларининг яхши ў-лаштирилишига ёрдам бе-ради, иштаҳани очади. Инте-юрак-қон томирлари сиссте-масини даволаш ҳусусияти

ҳам бор. Қимиз томир ури-шин яхшилайди, қон босимини кўтарди. Шунингдек, қимиз билан даволаш қон таркиб-даги шакли таначаларининг ангиаланишига яхши таъсир кўрсатади. Шифокор олим-лар, қимизнинг овқатни ҳазм қилувчи меъданичак йўл-ларига ижобий таъсир ўт-казишини аниқлайдилар. Нам-қувват ва намоқонли туфайли озиб кетган кишилар қимиз ичиши гоёт фойда бўлади.

Қимизни юрак пороги бор ва қон босимини баланд қили-ши, қимизни врач билан мас-лаҳатлашиб истеъмол қилиш керак.

Фарзанд — кўзимиз ну-ри, оиламиз қувончи, зеро болалар — бизнинг келажак-гизидир. Оналар ва бола-лар сиҳат-саломатлигини сақлаш учун партия ва ҳу-куматимиз чексиз ғамхўр-лик кўрсатмоқда. Ши-фокорларимиз оналарнинг сиҳат-саломатлигини, бола-ларнинг соғлом ўсишини доим назорат қилиб, пос-бон бўлиб тўрибдилар. Шундай шифокорлардан би-ри гинеколог-врач Мухаб-бат Иброҳимова оналар ва болалар саломатлиги йўли-да ўттиз йилдан бери ҳалол ва сидқиқидан меҳнат қилиб келаяпти.

— Мен шифокорлик фао-лиятимни дастлаб акушер-гинеколог сифатида Сари-

Оналар ва болалар хизматида

осиб районидаги касалхо-нада ишлашдан бошладим, — дейди мароқ билан сўз-лаб Мухаббат опа. — Ўн йилча у ерда хизмат қилгач, Тошкентдаги 12-турғуқона-та ишга келдим... Қарерда ишласам ҳам халқимизга яхши медицина хизмати кўр-сатишни бахтим деб билдим. Коммунист шифокор ҳозир 4-шаҳар касалхонасида бўлиб врач ўринбосари бўлиб иш-ламоқда. Унинг умр йўли-доми Садриддин Иброҳим-ов ҳам шифокор, ортопед-трав-матолог сифатида элга хиз-мат қилапти.

— Аяни шу қунда оналар ва болалар соғлигини муҳо-фаза қилиш республикамиз-да жуда долзарб масала бў-либ турбиди, — дейди Му-ҳаббат опа қўнчаллик би-

лан, — бу борада ҳар бири-миз жон қўйибди, бунинг ма-лакамизини ишга солиб, сид-қидилдан ишлайимиз ке-рак.

Мухаббат опа Иброҳимова хизмат қилаётган касалхо-нада халқимизга медицина хизмати кўрсатишни яхши-лаш йўлида ишлар қайта ташкил этилди. Бу ерда биохимия лабораторияси очилди, нархоз аппарати, электрозон, элетроаномия-зия сингари замонавий ме-дицина асбоб-аппаратлари кел-тирилди. Бир сўз билан айт-ганда, Мухаббат опа Ибро-ҳимова касалхонанинг аҳил коллектини билан эл сало-матлиги йўлида жонбозлик кўрсатиб ишлаймоқда.

Маъсуда ЁҚУБОВА.



Пойтахтимиздаги «Ға-лаба» маданият ва истиро-ҳат боғи тошкентликларнинг севили дам олиш маскан-ларидан биридир. Боққа кел-ган ҳамшаҳарларимиз Ўз-бекистон Халқ Ҳўжалиги ютуқлари кўргазмаси павиль-онларини томоша қилишлар-ни, қайиқда сузишлари мум-кин. Турли-туман аттракци-онлар эса кичкинтойлар хиз-матида.

СУРАТЛАРДА: «Ғалаба» боғида.

Р. Альбеков фотолари.



Она бахти...

Е. Ботиров фотоэюди.

ОДАТДАН ТАШҚАРИ

ЕРДАМЧИЛАР
Дарлак (Марказий Ўзбекистон) вилоятида жойлашган Кронган қишлоғида истиқомат қилувчи 42 ёшли Де Ламнинг ҳужалигида одатдан ташқари ердамчи пайдо бўлди. Бу Осиё филларининг нодир намунаси — беш ёшли оқ филдир.

Кронган қишлоғининг аҳолиси моҳир фил оловчилар сифатида шуҳрат қозонишган. Бу ерда ана шу ҳайвонларнинг қўлга ўргатиш ва дрессировка қилиш кўникмалари авлоддан авлодга ўтиб келади. Тажрибали овчилар ҳисобида ўттизга қадар қўлга ўргатилган улкан филлар бор. Улардан тоғли қишлоқлардаги ҳужаликларда, дарахт кескиш ва тайёрлаш ишларида фойдаланилади. Баъзан ана шу ҳайвонлар ўзининг энг замонавий техника ҳам боса олмайди.

Ҳозир Де Лам оқ филдан ташқари яна икки филни қўлга ўргатмоқда. Аммо тегишарак-атрофдан қишлоқ

аҳолисининг бутун диққат-этибори «яшил меҳмон»га қаратилган. Чунки у аср бошидан бери Ўзбекистонда тутилган учинчи оқ фил ҳисобланади.

ПИРОЖЕНОЕДАН... ТИКЛАНГАН УИ

Яқинда Жакарта Мэриясининг бош залида Ома учун хос анъанавий уй қад кўтарди. Квадрат шаклдаги, деразалари устида соябони бор бу уйнинг ҳажми одатдагидек — эни 7,5 метр, узунлиги 5,5 метр, баландлиги эса қарийб 6 метрни ташкил этади. Ҳатто ана шу уйнинг мэрия территориясида қад кўтаргани ҳам ҳеч кимни ажаблантирмаса, унинг тиклашда фойдаланилган «қурилиш материал» таажжублантирмоқда: уй қурилиши учун 51.090 та пироженое сарфланган. Пироженоеларни мамлакатнинг энг машҳур икки қандолатчиси тайёрлаган. Уйнинг ёнида эса Индонезия

нинг рамиз ҳисобланувчи афсонавий қўш — Гаруданинг шакардан қуйилган ўн метрли ҳайкали ўрнатилган. Шуҳратпараст қайноқлар Гинеснинг машҳур рекордлар китобида тушунишнинг эътибори билан маълум қилишди.

ТИЛОГОЧ КҮП ЭКАН

Билиб кўтган яхши. Ўрмонларимизда энг кўп ўсган дарахт — тилогоч экан.

ГРЕЛКА БИЛАН ИСИНМАНГ!
«У ёки бу сабаб бўлиб совуқ қота бошлангиз, тишингиз тишингизга тегмай қалтироқ тутса, масалан олдин грелка ёрдамида исинишга ҳаракат қилманг. Қалтироқнинг ўзи ажойиб иситиш хусусиятига эга», — деган кутилмаган ҳулосага келибди канадалик олим Гордон Гисбрин. Бу ҳақда АП агентлиги хабар беради.

Бир неча кўнгилли америкалик олимлар билан қўлаб соат муздек сувда ва изғирин совуқда тажриба ўтказган Гисбриннинг эътирофи эътибори қараганда, у кийим-кечак билан ҳимоя қилинмаган инсон танаси ҳар қандай изғирин аёғига бардош бера олиш қобилиятига эга, деган наъранининг тўғри эканлигини тасдиқлаган. «Одамни совуқдан қалтироқ тутганда у ҳар қандай йўл билан исинишга ҳаракат қилади, — дейди олим. — Кўпинча у омидабон медицина адабиётларида тасвир этилганидек, грелка ёрдамида муружаат этади. Ваҳоланки, бундай қилиш керак эмас. Шундай қилиб улар организмнинг ҳимояланган қораларига — қалтироқ қобилиятига тўсқинлик қилади». Гисбриннинг фикрига қараганда қалтироқ инсон мушакларини мунтазам «ишлашга», бу демек — иссиқлик ҳосил қилишга мажбур этади. Аммо «Амалий физиология» газетасида эълон қилинган тадқиқот натижаларида одамнинг қалтироқ билан «Исиниб» қанча вақт изғиринда қолгани мумкин эканлиги ҳақида ҳеч нарса айтилмаган.

УЛКАН БАЛИҚ ТУТИЛДИ

Нефтечала (Ўзбекистон ССР). Бу ердаги балиқ комбинатининг овчилари бу нобб ўлжани тортиб олишлари учун ёрдам қиларканларига тўғри келди. Чунки бу сафар Рафиқ Бадалов бригадасининг балиқчилари тўғрига 727 килограмм вазнли белуга балиғи тушди.

Бу кўкма каспийликлар учун саховатли келди. Бундан бир ҳафта аввал қарийб 7 центнер вазнли белуга тутинганди. Ушанда торози 690 килограммни кўрсатганди, энди бўлса балиқчилар яқинда эришилган ютукдан ҳам ўзиб кетдилар.

«Бишқа» газетаси бугун газетхонларга шуни хабар қилган.

Редактор
Т. М. ҚОЗОҚБОВ.

Чивин оромимизни бузмасин

Кўнлар исгани сари шаҳримизда чивинлар кўпайиб, аҳолининг оромини бузаяпти. Бундай зарарку-нандаларни йўқотишда қандай чора-тадбирлар қўриш керак? Бу иш билан қайси ташкилот шуғулланади?

Г. РАМАЗОНОВА,
Чилонзор массиви «Ц»
квартали, 9-й, 17-квартал.

Дарҳақиқат шундай. Об-ҳаво исгани билан шаҳримизда кейинги пайтда чивинлар кўпайиб бориқмоқда. Баланд қаватли турар жой биноларининг ертўласида, ирригация шохобчаларидаги ҳалқоб суварларда, ахлатхоналарда чивинлар гулгон урчишти. Бино ертўласида узатиш системаси аварияси туфайли оққан сув, иситиш асослари ва канализациядан чиққан чиқинди сувлар тўпланади. Бундай иссиқ ертўлаларда чивинлар йил бўйича урчиб, кўпайишига жуда қулай шароит туғилади.

Агар сиз яшаш турган кўп қаватли бинода чивин пайдо бўлса, хизмат кўрсатаётган уй-жойлардан фойдаланиш участкасига ёки район уй-жойлардан фойдаланиш трестига муружаат қилинг. Улар сиздан буюртма қабул қилганларидан кейин, район санитария-эпидемиология станциясига муружаат қилишади. Санэпидстанция хизматчилари территорияни текшириб чиқиб, чивинлар кўпайишидан ернинг аниқлашлари ва ЖЗУ хизматчилари билан бирга чивинларни йўқотиш чораларини кўради. Чивин кўпайишидан жойлардан ва ертўлалардан уй-жойлардан фойдаланиш участкаси санитария ҳолатига келтириб қўйишлари шарт. Ертўлалардаги узатиш системасидан сув сизиб оқмайдиган, коммуникациялар ифлосланмайдиган бўлиши, водопровод тармоғида эса авариялар бўлмаслиги керак. Зарурий таъмир, ЖЗУ ходимлари район дезинфекция бўлими, «Буюртма беришлари мумкин. Бу ташкилот ходимлари ўз навбатида ертўлаларда инсектундлар билан ишлов беришади. Ертўлалардан ташқари жойлардаги чивинларга қарши курашни санитария эпидемиология ходимлари беришади.

Ирригация шохобчаларида қўлмак сувлар тўпланиб қолгани натижасида ҳам чивинлар кўпайди. Бундай вақтда ариқларни, сув ҳавзаларни тезда тозалаш, қўлмакларни, керак бўлмаган зовурларни қўшиб ташлаш лозим. Мабодо чивин домийи сув ҳавзалари (қўлда, ҳовузда, филтровчи экин майдонларида) қўпайиши билан сувдаги «Дихлофос», «Хлорофос» ва «Неофос» каби аэрозоллардан хоналарда уйб юрган чивинларни йўқотишда эҳтиёт бўлиб фойдаланинг. Турар жой бинолари девориданги чивинларни пиллосе ёрдамида йиғиб йўқотса ҳам бўлади.

Чивинларни йўқотишга қарши кураш ҳақида шаҳар уй-жойлардан фойдаланиш бошқармасига (телефон 33-82-01) ва шаҳар эпидемиология станциясига (телефон 48-42-41) қўнғироқ қилиб, фойдали маслаҳатларни ва зарур маълумотларни билиб олишингиз мумкин.

Б. ТОЖИХОНОВ,
шаҳар Бош давлат санитария врачининг ўринбасари.


Уйда эса салқин!

САРАТОН ИССИҒИДАН ЖОН САҚЛАШДА КОНДИЦИОНЕРНИНГ АҲАМИЯТИ КАТТА.
У ҳавони совутибгина қолмасдан белгиланган ҳароратни сақлаб туради, хонани шабадалати, ташқаридан киратган ҳавони чанг-ғубор зарраларидан тозалайди.

КОНДИЦИОНЕРЛАР МАЪЛУМ МАЙДОНГА МҲЛ-ЖАЛЛАНГАН:
«БК-1500» (баҳоси — 325 сўм) — майдони 25 квадрат метрлик хона учун;
«БК-2000» (баҳоси — 350 сўм) — 30 квадрат метр учун;
«БК-2500» (баҳоси — 375 сўм) — 35 квадрат метр учун;

КОНДИЦИОНЕРЛАР «УЗХОЗТОРГ», ЦУМ, ГУМ, ЧИЛОНЗОР ЦУМни МАГАЗИНЛАРИДА СОТИЛМОҚДА.

«УЗХОЗТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИ.



Танишинг, «Башкирия!»



Чилонзор массивининг 23-кварталида яшовчилар бу магазинни яхши билишади.

Лекин биз тавсия қилаётган «ЯНГИ БАШКИРИЯ» реконструкциядан кейин ўзгача қиёфа касб этган.

Умумий савдо сахни 380 квадрат метрдан иборат бўлган бу савдо масканида товарлар қулай жойлаштирилган бўлиб, магазин ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усулида ишлайди. Бу омиллар эса харидорлар учун қулайлик туғдиради. Қандолатчилик, нон-бўлка, баққолик ва шу каби кундалик турмушда зарур бўлган маҳсулотлар 80 процентигача ўз-ўзига хизмат кўрсатиш йўли билан сотилади.

МАГАЗИН АДРЕСИ ВА ИШ РЕЖИМИ
«БАШКИРИЯ» магазини Подмосковная АҚМАЛ ИКРОМОВ РАЙПРОДТОРГИ.

Чилонзор массивининг 23-кварталида яшовчилар бу магазинни яхши билишади.

Лекин биз тавсия қилаётган «ЯНГИ БАШКИРИЯ» реконструкциядан кейин ўзгача қиёфа касб этган.

Умумий савдо сахни 380 квадрат метрдан иборат бўлган бу савдо масканида товарлар қулай жойлаштирилган бўлиб, магазин ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усулида ишлайди. Бу омиллар эса харидорлар учун қулайлик туғдиради. Қандолатчилик, нон-бўлка, баққолик ва шу каби кундалик турмушда зарур бўлган маҳсулотлар 80 процентигача ўз-ўзига хизмат кўрсатиш йўли билан сотилади.

МАГАЗИН АДРЕСИ ВА ИШ РЕЖИМИ
«БАШКИРИЯ» магазини Подмосковная АҚМАЛ ИКРОМОВ РАЙПРОДТОРГИ.

Чилонзор массивининг 23-кварталида яшовчилар бу магазинни яхши билишади.

Лекин биз тавсия қилаётган «ЯНГИ БАШКИРИЯ» реконструкциядан кейин ўзгача қиёфа касб этган.

Умумий савдо сахни 380 квадрат метрдан иборат бўлган бу савдо масканида товарлар қулай жойлаштирилган бўлиб, магазин ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усулида ишлайди. Бу омиллар эса харидорлар учун қулайлик туғдиради. Қандолатчилик, нон-бўлка, баққолик ва шу каби кундалик турмушда зарур бўлган маҳсулотлар 80 процентигача ўз-ўзига хизмат кўрсатиш йўли билан сотилади.

МАГАЗИН АДРЕСИ ВА ИШ РЕЖИМИ
«БАШКИРИЯ» магазини Подмосковная АҚМАЛ ИКРОМОВ РАЙПРОДТОРГИ.

Модални, енгил ва қулай

ПОПАЗВАЛНИ САВДО-КЎРГАЗМАСИДА ТАНЛАБ ОЛАСИЗ

23-МАГАЗИНДА
15-22 ИЮНЬ КҲНЛАРИ
Ўзбекистон ССР Енгил

саноат министрлигининг пой-абзаал фабрикаларида ишлаб чиқарилган хотин-қизлар пой-абзалларининг

САВДО-КЎРГАЗМАСИ
ЎТКАЗИЛАДИ

Магазин адреси: Шота Руставели кўчаси, 43-уй. Иш соатлари: соат 10 дан 20 гача, танафус — соат 14 дан 15 гача, дам олиш кўни — якшанба.

«ТАШОВУВТОРГ» (Телефон 55-24-55).



«Союзторг»реклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

«ПАХТАКОР»
МАРКАЗИЙ
СТАДИОНИДА
8 ИЮНЬ СОАТ 19.00 ДА
СССР 51-ЧЕМПИОНАТИ
ЎЧУН

1-лигалинг
«ПАХТАКОР» (Тошкент)
— «ДИНАМО» (Ботуми)
командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Танафус вақтида спорт-буюм лотереяси ўйналади (Лотерея билетларининг серия номерлари 020001 дан 022000 гача).

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Билетлар сотилмоқда.

ТАБИИЙ ГАЗДАН
ФОЙДАЛАНУВЧИ
ЧИЛОНЗОР РАЙОН
АВОНЕНТЛАРИ
ДИҚҚАТИГА!

Газ ҳужалигини кузги-киши мавсумга ҳозирлаш ва ўртача босимдаги газопровод профилактика ремонтини ўтказиш муносабати билан

Волгоград ва Чилонзор кўчалари чорраҳасида 9 июнь соат 14 дан 17.00 гача

Чилонзор массивининг 4, 6, «Ц» кварталларида

ГАЗ БЕРИШ
ТЎХТАТИЛАДИ

Шу кўрсатилган вақт ичида ҳамма абонентлар газ плиталари ва бошқа газ асбобларини кранларини маҳкам бериктиб қўйишлари ва ҳушёр ҳамада эҳтиёткор бўлиб туришлари зарур.

«ТАШГАЗ» БОШҚАР-МАСИ (Телефон: 48-56-24).

Тошкент шаҳар Октябрь районидаги Охунбоев ном. ли 45-ўрта мактаб томонида Рахматуллаева Нодира Хабуллаевна номига берилган 392866 номерли йўқолган

САККИЗИНЧИ
СИНФНИ
ТУГАТАНЛИГИ
ТЎҒРИСИДАГИ
ТҒУВОХНОМА
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

«ЎЗБЕКПРОЕКТМЕБЕЛЬ»
ИЛМИЙ-ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ
БИРЛАШМАСИ

ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА
КОНКУРС
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Метрология бўлимининг
мудир,
етаки инженер-метролог;
етаки конструктор.

Конкурсда илмий даража
ли, шунингдек мазкур
соҳада иш тажрибаси етарли
45 ёшгача бўлган малакали
мутахассислар қатнаша ола-
дилар.

Конкурс муддати — 14
июнча.

Муружаат учун адрес:
700070, Тошкент шаҳри,
ГСП, Педагогический кўчаси,
75/5-уй. Телефонлар: 56-61-
49, 55-22-89, 56-52-46.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Сугориш ҳужалигини сақлаш ва ремонт қилиш ҳамда қўлмакзорлаштириш бўйича ихтисослаштирилган бошқарма

агротехника ишлари, ўсим-
ликлар ўтказиш, шунингдек
майдан сугориш шохобчалари-
ни тозалаш, ремонт қилиш ва
қуриш, гулхоналар ташкил
этиш юзасидан

НАҚД ПУЛ ҲИСОВИГА
ПУЛЛИ ХИЗМАТ
КЎРСАТАДИ.

Муружаат учун адрес:
Тошкент шаҳри, Пионер кў-
часи, «3а» уй. Телефонлар:
77-45-33, 77-04-42.

ТЕМИРҲУЛЧИЛАР МАДАНИЯТ САРОИИДА

14, 15, 16 июнь соат 20.00 да
18, 19 июнь соат 17 ва 20.00 да

Александр АНИСИМОВ билан

«ГИПНОЗ КЕЧА ВА БУГҲ» МАВЗУИДА

ҚИЗИҚАРЛИ УЧРАШУВ КЕЧАЛАРИ
ЎТКАЗИЛАДИ

ПРОГРАММАДА — психологик амалиёт.
«Фикрларни ўқиб», сўзсиз мулоқот, чекишдан воз ке-
чиш, дудуқлакиш, тунги анурез, спиртли ичимликлар
ичишни ташлаш.

Зарари одатларни тарк этиш курсини ўташни хоҳла-
ган кишилар тегишли гуруҳларга ёзилишлари мумкин.

Касса соат — 10 дан 20.00 гача очил.

Справкалар учун телефонлар: 35-42-68, 32-46-64.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
САТИРА ТЕАТРИ

Тошкент Рус ёш томошабинлар театри биносидан
8, 9, 10, 14 июнь соат 19.30 да

ПРЕМЬЕРА
Ш. БОШБЕКОВ.

«Темир хотин»

(Икки пардали жиддий комедия)

Саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон ССРда хиз-
мат кўрсатган санъат арбоби Носир ОТАБОВЕВ.
Рассом — Шокир ҲОШИМОВ.
Музыка таласси — Шухрат ҲОШИМОВ.
Режиссёр ассистенти — Ўзбекистон ССРда хизмат
кўрсатган артист Шухрат РАСУЛОВ.

Қарат қураши бўйича консултант — Арселон ИЛОВ.
Театрнинг бош режиссёри — Ўзбекистон ССРда хиз-
мат кўрсатган санъат арбоби Носир ОТАБОВЕВ.

Адрес: Навоий кўчаси, 56-уй. Шоирлар хибони,
«Пахтакор» метро станцияси.

Пассажи́рлар диққати́га!

Я. Свердлов номидаги концерт зали биноси
реконструкция қилиниши муносабати билан

10 ИЮНДАН БОШЛАБ

барча турдаги транспорт ҳаракати «Правда Востока»
кўчаси бўйлаб Пролетар кўчасидан Киров кўчасигача

ТЎХТАТИЛАДИ

92-автобус маршрутнинг ҳаракати «Коммунистик» ав-
тостанциясидан бир йўналишда — Коммунистик, Киров,
Сулаймонова, Ленин, Ленинград, Революция хибони,
Энгельс кўчалари ва у ёғига қўшимча «Ленинград кўча-
си» бекати билан бирга маршрут бўйича ташкил этилади.

51-автобус маршрутнинг ҳаракати Энгельс кўчасидан
икки йўналишда — Сулаймонова, Ленин, «ОД»», «В. И.
Ленин метро станцияси», «В. И. Ленин марказий музей-
нинг филиали» бекатлари билан бирга Ўзбекистон кўчаси
бўйлаб ташкил этилади.

2-маршрут таксининг ҳаракати сўнгги бекати — «Тош-
кент» меҳмонхонаси» бекатидан икки йўналишда —
«Правда Востока», Киров, Ўзбекистон, Т. Шевченко кў-
чалари ва у ёғига маршрут бўйича ташкил этилади. Қай-
тишда — Пролетар кўчасидан Гоголь, Т. Шевченко кўча-
лари бўйлаб ва у ёғига «Тошкент» меҳмонхонасигача ҳа-
ракат қилади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг барча
турдаги пассажир транспортини ишнинг ривожлантириш ва
мувофиқлаштириш бошқармаси.

КОРХОНАЛАР ВА МУАССАСАЛАРНИНГ
РАҲВАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ДРУЖБА» РЕМОНТ-ҚУРИЛИШ КООПЕРАТИВИ

ҚУНИДАГИ ИШЛАРНИ БАЖАРИБ БЕРИШ
ЮЗАСИДАН

Буюртмалар қабул қилади

Уй-жойлар, қор ҳовлилари қурилиши;
уйлар ва кватираларни капитал ремонт қилиш;
биноларни капитал ремонт қилиш ва реконструкция-
лаш;

территориялар ва йўлчаларни тартибга солиш;
автомобилларга техника хизмати кўрсатиш устаконала-
ри қуриш ва реконструкция қилиш;
комплекс тарзда автомобиль турар жойларини қуриш;
савдо тоқчалари ва магазинларни қуриш;
КООПЕРАТИВ ВУЮРТМАЛАРНИНГ ТЕЗ ВА СИ-
ФАТЛИ БАЖАРИЛИШИГА КАФОЛАТ БЕРАДИ.

Буюртмаларни қўйидаги адресда расмийлаштириш мум-
кин:

Тошкент шаҳри, 141-алоқа бўлини, Бағратин прездеи,
2-уй. Телефонлар: 62-55-96, 76-11-57.

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК
ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА
ТЕАТРИДА — 8/VI да Севгил
савги билан, 9/VI да Зебунис-
со.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАР-
ДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА —
3/VI да Майсаранинг иши
(спектаклнинг фестивал вақти-
дан, 20.00), 9/VI да Ўзқоқ ки-
лоқ (19.00 да), 10/VI да Ота-
сининг қизи (19.30).

8 ИЮНДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
Чайка — «ҚИСКА ТУТАШУВ»
(18.30, 21.00).
Тошкент Советининг 50 йил-
лиги — «ОИЛАВИЙ ҲАЁТ»
(17.15, 20.30).
Ватан — «ОҚСОҚ ДАРВИШ»
(17, 19.00); «ИККИ ДУСТ»
(21.30).

ВЛКСМ 30 йиллиги — «ИККИ
ДУСТ» (жуфт соатларда).
Нукус — «ИККИ ДУСТ»
(17.30, 20.15).
Москва — «АЕЛ ВА ИБЛИС-
ЛАР» (18.30, 21.00).
Дружба — «КАЗДА ФАҚАТ
ҚИЗЛАР» (жуфт ва тоқ соат-
ларда).
Восток — «ҚИСКА ТУТА-
ШУВ» (17.30).

9 ИЮНДА
БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:
Чайка — «САЛВАДОР» (11,
13.30, 16).
Тошкент Советининг 50 йил-
лиги — «33-ЙИЛНИНГ СОВУҚ
ЕЗ» (жуфт соатларда ва 21.30
да).
Ватан — «КУМУШ НИКОБ»
(тоқ соатларда ва 20.45 да).
ВЛКСМ 30 йиллиги — «ДУСТ»
(жуфт соатларда).
Нукус — «СИНБАДИНИНГ ЕТ-
ТИНЧИ САҲАҲАТИ» (тоқ соат-
ларда ва 20.45 да).
Москва — «ҚИСКА ТУТА-
ШУВ» (тоқ соатларда ва 20.40
да).
Восток — «АЕЛ ВА ИБЛИС-
ЛАР» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).
АВТОМАТ-ЖАВОБ БЕРУВЧИ
ТЕЛЕФОНЛАР:

Санъат саройи — 44.21.44.
44.21.34, 44.21.74.
Чайка — 77.06.20.
Тошкент Советининг 50 йил-
лиги — 78.47.25.
Қозғонистон — 35.24.92.
Ватан — 74.30.38.
Восток — 91.14.61.
Дружба — 67.96.15.

Шаҳар кинотеатрларида хиз-
мат кўрсатиш маданиятини
якшиллашга оид